

## **1-қисм**

Майин эсаётган шамолда жийдалари чамандай гуллаган жийдазор майин чайқалади.

Мактуб ўкиётган Мадинанинг овози эшитилади:

– Ассалому алайкум Мурод ака. Исмингизни нега Мурод деб кўйишгани ҳақида ҳар замон-ҳар замонда бўлсаям ўйлайсизми? Мен эса исмимни нега Мадина деб кўйишганини кўп ўйлайман. Дадаларимиз синфдош бўлганлари етмагандек, аяларимиз ҳам синфдош бўлган эканлар.

\* \* \*

**Мухторнинг уйи.** Телевизорда кино кўрсатиласяпти: «Икки дил достони». Охирида қаҳрамонлар, яъни Мурод ва Мадиналар бир-бирларининг исмларини айтиб, ўлган саҳна намойиш этилаяпти. Супада Бахтиёр, Ҳалима, Мухтор ва Холидалар йиглаб, телевизор томоша қилиб ўтиришибди. Холида ҳам, Ҳалима ҳам ҳомиладор.

**Бахтиёр:** – Мухтор, менда битта зўр фикр туғилиб колди.

**Мухтор:** – Хўш, айта қол, қандай фикр экан, дўстим?

**Бахтиёр:** – Кимнинг уйида ўғил туғилса унга Мурод деб исм кўямиз, кимнинг уйида киз туғилса Мадина деб исм кўямиз. Катта бўлишганда куда бўламиз. Дўстлигимиз кудачиликка айланади.

**Мухтор:** – Мен розиман!

Иккалалари кўл ташлашади.

**Ҳалима:** – Ҳали туғилмаган болаларнинг тақдирларини ўзларингизча ҳал қилиб кўйдиларингиз-ку? Икковиям ўғил ёки икковиям киз бўлса-чи?

Мухтор: — Унда бизларни ота-онамиз дўстлаштириб қўйгандек, тўнчаларни кийдириб, киёматлик дўст қиламиз. Қизлар туғилса, ўзларингга ўхшаб дугона бўлишади.

Бахтиёр: — Аммо, юрагим сезаяпти, кўрасизлар, биттамизники ўғил, иккинчимизники қиз бўлади.

Холида: — Шошманглар, Мурод билан Мадина бир-бирига етишолмади-ку?

Бахтиёр: — Бизларнинг болаларимиз етишади. Ахир биз бормиз-ку?

Мухтор: — ха, бизлар уларнинг йўлидаги хар кандай тўсикни яксон қиласми!

Бахтиёр: — Бизларнинг Мурод ва Мадинамиз албатта, баҳтили бўлишади.

\* \* \*

Сандиксозлик устахонаси. Оқ «Москвич» машинаси устахона биноси олдига келиб тўхтайди. Ундан Баҳтиёр тушиб, утахонага кириб кетади. Мухтор сандик ясаш билан овора. Баҳтиёр кириб келади.

Бахтиёр: — Ҳорма, Мухтор!

Мухтор: — Бор бул, дўстим! Нима бўлди? Бўрими, тулкими?

Бахтиёр: — Ўғил, ошна!

Мухтор: — Йўғ-е, табриклайман, жўра! Ўғил муборак бўлсин!

Мухтор дўстини кучоклаб, кўтариб қўяди.

Мухтор: — Умри билан берган бўлсин!

Бахтиёр: — Раҳмат, жўра. (Кўзи ёшга тўлади)

Мухтор: — И-е, кўз ёшинг нимаси? Ўғил кўрган одам ҳам йиғлайдими?

Бахтиёр: — Ҳалима кийналиб, болани операция қилиб олишди-да.

Мухтор (жиддийлашиб): — Ҳалиманинг ўзи яхшими?

Бахтиёр: — Яхши.

**Мухтор:** — Бола-чи?

**Бахтиёр:** — У ҳам яхши. (Ўриндиққа ўтиради)

**Мухтор:** — Унда кўз ёшинг нимаси?

**Бахтиёр** (хомуш бўлиб): — Духтур «Энди аёлингизни эҳтиёт қилинг, бошка фарзанд кўролмайди», деди-да, Мухтор.

**Мухтор:** — Йўғ-е. (Секин дўстининг ёнига келиб, ўтиради.) Хафа бўлма, Жўра, Худойим ўғил бериди. Тирнокка ҳам зорлар канча? Худойим умри билан берган бўлсин, ҳали тўйлар киламиз, уйинг невара ларингга тўлиб кетади, сикилма, дўстим! Бахтингга Ҳалимаям соғ бўлсин!

**Бахтиёр:** — Раҳмат, Мухтор, яхшиям сендек дўстим бор.

**Мухтор:** — Сен ҳам менинг суянган тоғимсан, Жўра!

**Бахтиёр:** — Ҳалиманинг операция бўлганини Холидага айтмай кўя қолайлик.

**Мухтор:** — Тўғри, унга ҳам сикилиш мумкин эмас. (Бироз ўйланиб туриб давом этади) Даданг эшитдими?

**Бахтиёр:** — Йўқ, дадам ўғил невара кўрганини билади, холос.

Чойхона. Бахтиёрнинг дадаси Шокир ака ўғил невара кўргани шарафига улфатларига зиёфат бераяпти. Темур бобонинг пиширган ошини мактаб-мактаб ошхўрлик қилишади.

\* \* \*

**Туғуруқхона.** Ҳамма ичкаридан чиқадиган хабарга интиқ, ҳамшира чиқиб келади.

**Ҳамшира:** — Ёқубова Холиданинг кими келган?

**Мухтор:** — Мен келганман, эriman.

**Ҳамшира:** — Суюнчи беринг, ота бўлдингиз. Худди Холидахоннинг ўзига ўхшаган чиройли кизчангиз бор энди.

**Мухтор:** — Раҳмат, опа, Холида яхшими?

Ҳамшира: – Ойдай, ойдай, хавотир олманг!  
Мухтор хурсанд бўлиб, суюнчи улашади.

\* \* \*

Мухторнинг уйи. Қўлида жийданинг уч-тўртта қийғос гуллаган шохчасини кўтариб олган Бахтиёр кириб келади. Унга ҳовлидаги атиргулларнинг тагини белкурак билан юмшатиб юрган Мухтор пешвоз чиқади.

Бахтиёр: – Қалайсиз, энди, куда? Менинг айтганим келдими? Қани бизнинг келин?

Мухтор: – Келинингиз ухляяпти, куда, уйғотайми, кайнотасига чой-пой дамлаб берсинми?

Бахтиёр: – Асло! Бизнинг келинга озор етказилмасин! Манави шохчаларни бешигининг бошига қўйиб қўйинг, хушбўй ҳидлардан баҳраманд бўлиб катта бўлсин! Ҳидини қара, димокни ёраман дейди.

Мухтор Бахтиёрнинг қўлидаги жийда шохчаларини олади.

Мухтор: – Қани, ичкарига кирамиз.

Бахтиёр: – Кейинги сафар кириб, келинимни кўриб чиқарман. Энам жуда иримчилигини биласан, «Ҳали чилласи чикмасдан кўп кираверма», деб тайинлаганлар.

Ичкаридан Холида чикиб келиб, салом беради. Мухтор унга жийда шохчаларини беради.

Мухтор: – Келинига деб Бахтиёр олиб келибди.

Бахтиёр: – Бешигининг бошига қўйиб қўйинг, хозирдан энг яхши ҳидларни ҳидлаб ўссин, кудағай.

Холида: – Муроджон қалай, «дадда» деб колдими?

Бахтиёр: – Яхши, аммо ҳали дада дегани йўқ, менга қараб «ғиффи» деяпти.

Мухтор: – Ёш болаям билади ким «ғиффи»лигини.

Бахтиёр: – Энди сиз «опош»-у, биз «ғиффи» бўлдикми? Алам олиш бўлмаяптими, ишқилиб?

**Мухтор:** — Бирор сенга хафаман дедими? Бир гапни ҳадеб қайтараверма? Гапимиз гап. Ана, Мадинани хохласанг ҳозирдан олиб кетавер!

**Бахтиёр:** — Чучварани хом санабсиз, куда. Яхшилаб боқиб, катта қилиб, сепи, сандиги билан берасиз. Киринг, кудағай, сизам бизнинг келиннинг ёнида бўлинг, яхшилаб овқатлантириш.

**Холида:** — Келинингиз ёлғиз эмас, энам келганлар, мендан ҳам яхши қараб ўтирибдилар.

**Бахтиёр:** — Бўпти, мен кетдим, шахарға бориб келадиган ишим бор. Сизларга бирор нарса олиб келиш керак эмасми?

**Мухтор:** — Чакалоқларнинг овқатидан олиб кел, Келининг ўзингга ўхшаб ҳалитдан иштаҳали чикиб қолди. Шошма, пул олиб чикай.

**Бахтиёр:** — Қўявер, келин учун ўзим олиб келаман. Дафтaringга ёзиб қўяверасан.

**Бахтиёр** чикиб кетади. Узоклашаётган машинанинг овози эштилади.

\* \* \*

### **Мухторнинг ҳовлиси.**

Орадан икки-уч йил ўтган. Муродни етаклаб Бахтиёр ва Ҳалима кириб келишади.

**Бахтиёр:** — Ассалому алайкум, бормисизлар?

**Мухтор:** — И-е, кани, келинглар, кудалар. Марҳамат! Марҳамат!

Ҳаммалари ўтиришади.

Ичкаридан қўғирчокдай ясантирилган Мадинани кўтариб, Холида чикиб келади.

**Бахтиёр:** — Ҳа, ана, келин ҳам ўзи Муроджонни кутиб, тайёрланиб ётган экан-да. Туф-туф-туф, кўз тегмасин!

**Холида:** — Келиндан хабар олгани келган куёв қуруқ келаверибди-да, келинга совға қани, Муроджон?

Мурод аяси унинг кўлига қистириган хўрозқандни Мадинага узатади.

Мадина хўрозқандни олмай туради.

Бахтиёр: – Хўрозқандни писанд қилмаяптилар, чоғи? Тилла сирға олиб келсин деяпти-ёв? Ноз қилмасинлар, келин, борига шукур қилиб олаверсинлар, тилляям олиб келади ҳали Муроджонимиз.

Мадина Муроднинг қўлидан хўрозқандни олиб, оғзига солади.

Болалар бир-бири билан ўйнаб, нарирокқа кетишади.

Мухтор: – Тез тил топишиб олишди.

Бахтиёр: – Дадасининг ўғли-да, жўра.

Ҳалима: – И-е, каранг, дадаси, Муроджон сиздан ўтадиган чикади-ёв, Мадинанинг қўлидан ушлаб олибди.

Мурод Мадинанинг қўлидан ушлаб, дарвозага қараб кетади.

\* \* \*

Кўча. Болалар ўйнаб туришибди. Мадинага бир бола конфет узатаётганини кўриб, Мурод жаҳл билан бориб, боланинг қўлидаги конфетини уриб тушириб юборади. Болага жаҳл билан тикилиб қолади.

Яна хат кўрсатилиб, Мадинанинг овози эшитилади:

– Мурод ака, исмингизни нега Мурод деб қўйишгани ҳакида сиз ҳам ўйлайсизми...

## 2-қисм

**Мадинанинг овози:**

– Мурод ака, эслайсизми, мактабда ўқитувчиларимиз ҳам сиз кўринмасангиз, «Мадина, Мурод кани?» деб мендан сўрашарди. Мен кўринмасам, албатта, мени сиздан сўрашар экан.

\* \* \*

**Мақтаб.** Сүнгги құнғироқ тантанаси бұлайпти.  
Мурод битиравчиларга бағишлиңган «Сүнгги  
құнғироқ» шеърини ўқияпти.

**Мурод:** —

*Бир тұда қалдирғоч учади,  
Ва улар фалакни күчади.  
Юракка оғриклар тушади,  
Чалинганда сүнгги құнғироқ.  
Хәелда саёхат қиласман,  
Мен гуё ёшгина боламан.  
Гоҳ ғамгин, гоҳо шод бўламан,  
Чалинганда сүнгги құнғироқ.  
Үн ийллик кадрдон синфдош,  
Туарсан маъюс ҳам эгиб бош.  
Хўрсинма, ҳижронга бергил дош,  
Чалинганда сүнгги құнғироқ.  
Бу дунё аламли, ғаламис,  
Наилож, нима ҳам қиласми?  
Хушлашиб, қўл силкиб қоламиз,  
Чалинганда сүнгги құнғироқ.*

\* \* \*

**Кўча.** Байрамдан сўнг Муродни «Шеърингни ёзиб олайлик», деб битиравчилар ушлаб қолишган. Мадина Муродни кутаяпти. Битта бола Мадинага етиб олиб, унга хат узатади.

**Бола:** — Мадина, жавобини кутаман!

Мурод шеър айта туриб, буни кўриб қолади. Ва шу ёкка отилади. Битиравчилар ҳай-хайлаб қолишади.

Мурод Мадина ўқимасданоқ ерга улоктирган хатни олиб, ўқиб чикади. Жаҳл билан ҳалиги болага ташланади. Иккаласи муштлашади. Битиравчилар югуриб келишиб, уларни ажратишади.

Мурод кўзи кўкариб, хўмрайиб йўлга тушади. Мадина индамай унга эргашади.

\* \* \*

**Бахтиёрнинг ҳовлиси.** Мехмондорчилик бўляяпти. Бахтиёрнинг акаси хотини билан келган. Дарвозадан Мурод кириб келади. Ўтирганларга салом бериб, уйга кириб кетмоқчи бўлади. Ҳалима унинг кўзи кўкарғанлигини кўриб қолади.

**Ҳалима:** — Вой, Муроджон, ким билан муштлашдинг, болам?

**Мурод:** — Ҳеч ким билан муштлашганим йўқ, ая, хавотир олманг!

**Бахтиёр:** — Ўғлинг бекорга муштлашмайди. Мадинага биронтаси гапиргандир-да? (Ўғлига караб) Бор, кийимларингни алмаштир!

Мурод ичкарига кириб кетади. Ҳовлига Мухтор кириб келади.

**Мухтор:** — Бўлди, меҳмонлар, ҳадеб Бахтиёрнида ўтираверасизларми? Бизнинг ҳам овқатимиз тайёр бўлиб қолди. Қани, ёппасига бизникига ўтамиш!

**Бахтиёр:** — Хўп, хўп, дўғлама, жўра, борамиз. Қани, турдик бўлмаса. Ўтмасак дўстимдан балога қоламиш.

Барча ўрнидан кўзғалади.

\* \* \*

**Мадинанинг овози:**

— Мурод ака, Сизни армияга чақириб қолишмаса, бирор нима демасдан яна канча вакт юрар эдингиз? Яхшиям армия бор экан.

\* \* \*

**Жийдазор.** Мадина ва Мурод гаплашишайпти.

**Мурод:** — Мадина!

**Мадина:** — Ҳм-м.

**Мурод:** — Кутасан-а?

**Мадина:** — Кимни?

Мадина ўзини хайрон бўлгандек кўрсатади. Мурод бундан ажабланади.

Мурод: – Мени-да, жинни?

Мадина энди ўзини ҳеч нарсага тушумагандек кўрсатиб, кўлларини икки ёнга ёзиб, елкаларини ҳам кисиб олади.

Мадина: – Нима учун сизни кутишим керак?

Бу гапдан энди Мурод довдираб колади.

Мурод: – Ахир ҳамма кизлар йигитини икки йил кутади-ку?

Мадина: – Сиз менинг йигитиммисиз?

Мадинанинг энди кувлик, шайтонлик қилаётгани, Муродни «эзаётгани»дан Мурод довдираб, бошини қашлаб, сўз тополмай қолади.

Мурод: – Ҳалиги, ... мен бўлсан ...

Мадина: – «Менинг йигитим Мурод ака», деб бирор кишига айтибманми ёки ўзингизга хат-пат ёзибманми, бир хилларга ўшаб? Мени қўяйлик, ўзингиз бирор марта, бирор жойда бир оғиз «йигитингман», деганмисиз? Дабдурустдан келиб, «Мени қутгил ва мен қайтарман», дейсиз. «Ой бориб омон қайтинг», яхши йигит! Армияга кетсангиз менга нима?

Мадина аразлаб кетмоқчидай ҳаракат қиласи. Мурод унинг қўлидан ушлаб, тўхтатиб колади. Мадина аразлагандек секин Муроднинг қўлини олиб қўяди.

Мурод: – Ахир ҳамма билади-ку айтмасам ҳам? Айтишим шартми? Ёки ўзинг... билмай қолдингми, Мадина?

Мадина: – Нимани ҳамма билади? Нимани билмай қолибман? Нимани айтишингиз шарт эмас, Мурод ака?

Мурод: – Шуни-да.

Мадина: – Нимани ахир?

Мурод: – Шуни-да, Мадина, нима, ўзинг билмайсанми? Одами кийнаб юбординг-ку?

Мадина: — Нимаңи ўзим билишим керак, Мурод ака? Сизни нима деб қийнадим?

Мурод: — Шу-у, э-э, биласан-ку, Мадин, мен унақа сўзларни билмайман. Шуни энди ҳаммасини айтиб ўтиришим керакми? Ўзи шунака гапларни гапириб юрадиганларни ёмон кўрардим.

Мадина: — Мен тушунмаяпман, Мурод ака, менга бир нима демоқчига ўхшайсиз-у, нималигини ўзингиз ҳам билмайсиз. Майли, яхши боринг, эсингизга тушса айтарсиз!

Мурод: — Бўпти, Мадин, ҳаммасини айтди, деб ҳисобла ва «Сизни кутаман», деб айт!

Мадина: — Ҳали ҳеч ким менга ҳеч нарсани айтгани йўк.

Мадина энди ростдан аразлаган кишининг ҳолатига киради.

Мурод: — Бўпти, бўлмаса эшит! Мадина, мен сени...

Мадина кафти билан Муроднинг оғзини тўсиб гапиргани кўймайди.

Мадина: — Э, э, битта-яримта эшитса уят бўлади, Мурод ака.

Мурод: — Сенга нима бўлган? Айтмаганга кўймайсан, айтай десам оғзимни бекитасан?

Мадина: — Мурод ака, яхиси, шеър ўкиб бера қолинг!

Мурод унга бироз термулиб қолгач, шеър ўқиши бошлайди.

Мурод:

*— Сени севгим саҳарларда  
саболардан сўрокларман,  
Қаёнларда қолиб кетдинг,  
каро қошим, каро қошим.  
Сени олис сафарларда  
сўрокларман йироклардан,  
Менинг чашмимни зор этдинг,  
каро қошим, каро қошим.*

*Бахтим сенинг бирла бекам,  
гул унгай сен дея тоғда,  
Яноғингдан уфқ гулгун,  
қаро қошим, қаро қошим.  
Фақат эсла мени, эркам,  
яна баҳор келган тоғда,  
Қошингга чирмашар бир кун,  
қаро қошим, қаро қошим.  
Шу қошлар деб охир бир кун  
шахид бўлсам ажаб эрмас,  
Замин титрар алам чексам,  
қаро қошим, қаро қошим.  
Нигоҳинг деб чекарман ун,  
шу қошларга етолсам бас,  
Магар олам кўзимдек нам,  
қаро қошим, қаро қошим.  
Қошингга чирмашар қай кун,  
қаро қошим, қаро қошим?*

Улар шу шеър айтилгунча жийдазорда сайр килишади.

Мадина: – Сиз туппа-тузук шоир экансиз-ку, Мурод ака?

Мурод: – Мени сен шоир қилдинг, Мадина.

Мадина: – Қачон? Менга тухмат қилманг, Мурод ака!

Мурод: – Кўп бўлган, Мадин, жудаям кўп бўлган.

Мадина: – Нега унда мен сезмадим? Бирор марта менга шеър айтганингиз йўқ-ку, Мурод ака?

Мурод: – Жиннивой, ёзган шеърларимнинг ҳаммаси сенга бағишланган-ку?

Мадина: – Анави... севги тўғрисидагилари ҳамми?

Мурод: – Улариям.

Мадина: – Сиз бирор марта у, ... унака гапни менга айтганингиз йўқ эди-ку?

Мурод: – Сен мендан у сўзларни сўрама! Мана, мен сенга қанака сўзларни айтаман, эшит: Мадина,

мен сен учун жонимдан кечишим мүмкин, аммо сендан кечмайман! Бошимга қанақа күн тушишидан катъий назар сени, факат сени дейман!

Мадина: — Мен ҳам онт ичиб айтаманки, охирги нафасимгача сизни дейман, Мурод aka!

Мурод: — Мен ҳам онт ичаман, Мадина!

Мадина: — Онтимизга мана шу жийдалар гувоҳ!

Мурод: — Менинг онтимга осмондаги ой ва юлдузлар гувоҳ!

Улар бир-бирларининг кўзларига термулиб колишади.

Мурод Мадинанинг қўлларидан ушлаб, уни аста багрига босади.

### 3-қисм

Вокзал. Перрон одамлар билан лиқ тўла. Янги олинган аскар болаларни армияга жўнатишяяпти. Шовкин-сурон.

Офицернинг овози: — Ҳамма вагонларга чиқсин!

Одамлар баттар типирчилаб колишади. Ҳамма ўғли билан кучоклашиб хайрлашяяпти. «Эҳтиёт бўл!» деб тайинлаган ким, «Бардам бўл, яхши хизмат қил!» деган ким. Кимдир «Ҳеч нимадан қўрқма, сенга текканини сол!» деб тайинляяпти. Муродни кузатгани ҳамма қаҳрамонларимиз келишган. Улар ҳам бир нималарни уқдириб ётишибди. Аскарлар вагонларга чиқиб кетишяяпти. Мурод Мадина томонга сал энгашиб гапиради.

Мурод: — Мадина, билиб қўй, бир кун менга хат ёзмасанг, сендан қаттиқ хафа бўламан.

Мадина: — Сиздан бир кун хат келмай қолса, мен нима қиласай?

Мурод: — Халтамга 720 та хатжилд солибсан-ку, жиннивой, хар куни ёзмай иложим йўқ энди.

Мадина: — Яна бир нарса солганман, уни йўқотиб кўйманг!

**Мурод:** – Билдим, хиди ғуппиллаб турибди.

**Мадина:** – Уларга тайинлаганман, бир нарсани сизга эслатиб туришади улар.

**Мурод:** – Ҳа, шайтон, у нарсани шусиз ҳам унутмайман, Мадин.

**Мадина:** – Яхши боринг, ўзингизни эҳтиёт қилинг!

**Мурод:** – Яхши кол, Мадина! Сен ҳам ўзингни эҳтиёт кил!

Поезд бир чинқириб олиб, жойидан силжийди. Мурод вагонга чикиб кетар экан, ҳаммага қўл силкйиди.

**Мурод:** – Яхши қолинглар!

Мадина қўл силкиб қолади. Ҳалима опа, Холида опалар кўзда ёш билан туришибди. Эркаклар эса эркақдай туришибди. Поезд узоклаб кетади.

\* \* \*

**Муроднинг ҳовлиси.** Ҳалима опа тўн тикиб ўтирибди. Мадина ҳовликиб кириб келади.

**Мадина:** – Хола, хола, қаердасиз? Мурод акамдан хат келди!

Ҳалима опа шошиб ўрнидан туради.

**Ҳалима опа:** – Ўқи-чи, кизим, нима деб ёзибди?

**Мадина:** – Ўтириб олинг, хола, ўқиб бераман.

Улар ўтиришади. Мадина хатни ўқийди.

**Мадина:** – «Салом Мадина, соғ-саломатмисан? Даданг, аянг, Ҳулкар ҳам яхши юришибдими? Аям, дадам, бобомлар ҳам соғ-саломат юришибдими? Ҳаммаларига менинг саломимни етказ! Мен соғ-саломатман. Кайфиятим яхши. Йўлларда ёзиб, турли вокзаллардан жўнатган хатларимни ҳам олдингми? Мана, энди сен хат ёзадиган манзил ҳам аниқ бўлди. Хизмат жойимизга етиб келдик. Мадина, ана энди аканг карағай танкчи бўладиган бўлди Кейинги хатимда расмимни юбораман. Ҳозирча шу.

Конвертдаги манзилга шу бугунок, ҳозироқ хат ёз!  
Қишлоқдаги ҳамма янгиликларни ёз! Аввал  
бизнигига ўтиб, хатимни аямга ўкиб беришни унутма!  
Салом билан оддий аскар Мурод Усмонов».

Ҳалима опа: – Айланай оддий аскар Усмонов  
ўғлимдан.

Ҳалима опа кўзидағи ёшни рўмолининг учи билан  
артади.

Ҳалима опа: – Қара, Усмонов аясидан олдин сенга  
хат ёзибди-я? Манзилини ёзиб бергин, кизим, сендан  
олдин мен хат ёзай.

Мадина кулиб юборади.

Мадина: – Холажон, кечга қолдингиз. Бу хатнинг  
жавоби ёзилиб, жўнатиб ҳам юборилган. ҳозир  
самолётда учеб кетаётгандир.

Ҳалима опа: – Ҳа, шайтон киз, яна чақконлик  
килибсан-да. Шошмай тургин сен.

Мадина кула-кула чиқиб кетади.

\* \* \*

**Ҳарбий қисм.** Аскарлар турникларда тортилиб, ҳар  
хил мосламаларда турли машқларни бажариб  
туришибди. Навбатчи аскар йигитларнинг олдига  
келади.

Навбатчи: – Оддий аскар Усмонов!

Турникда осилиб турган Мурод сакраб тушиб,  
унинг ёнига келади.

Мурод: – Мен!

Навбатчи: – Сизга хат бор, қани бир ўйнаб  
беринг-чи?

Мурод оғзида бир қуйни хиргойи килиб, озгина  
ўйнаган бўлади. Навбатчи унга хатни беради ва бошқа  
хатларни эгаларига беришда давом этади. Мурод четга  
чиқиб, тезгина хатни очади. Конвертдан аввал битта  
жийда шохчаси чиқади. Мурод уни олиб бир ҳидлаб,  
кўкрак чўнтағига солиб қўяди. Сўнгра хатни ўқишига  
тушади.

**Мадінанинг овози:** – Ассалому алайкум Мурод ака. Соғ-саломат ўз йигитлик бурчингизни аъло даражада бажарип юрибсизми? Хатларингизни олдим. Бугун суратингизни ҳам олдим. Мана, мен ҳам ваъдамга вафо килиб, доимгидек, ҳар ўнинчи хатимда битта суратимни юбораяпман. Мурод ака, бизлар ҳаммамиз соғ-саломатмиз. Бизлардан хавотир олманг! Ҳар куни аянгизнинг ёнидаман. Ҳалиям бирга кўйлак тикиб юрибмиз. Қишлоқда янгиликлар кўп. Синфимиздаги Жамиланинг тўйи бўлди. Пасттўзардаги Ҳалим ака эсингиздами, биздан икки йил олдин битирган, ўшанга тегди. Шанба куни «В»даги Насибанинг тўйи бўлади. У шаҳарлик бўлиб кетадиган бўлди. Шаҳардаги бир қариндоши келин қилибди. Ҳозирча шу. Хайр, соғ бўлинг! Мадинангиз.

\* \* \*

**Ҳовли.** Мадина хат ўкияпти.

**Муроднинг овози:** – Салом, Мадина! Кайфиятинг яхшими? Даданг, аянг, Ҳулкар, бизнинг уйдагилар соғ-саломатми? Мадина, мен сени жуда соғиндим, сен-чи? Биламан, сенам согингансан! ҳечқиси йўқ, озгина сабр қил! ҳадемай дийдорлашамиз.

\* \* \*

**Ҳарбий кисм.** Мурод бошкараётган танк келиб тўхтайди. Мурод танкнинг ичида ўтириб, Мадинадан келган хатни ўкияпти.

**Мадинанинг овози:** – Мурод ака, қишининг чилласида ҳам сизга бир нималарни эслатсин, димоғингизни қитикласин, деб баҳорда олиб, қуритиб кўйган жийда гулларидан мактубимга солиб юбораяпман. Мурод ака, сизни жуда соғиндим. Аскарлар хизматни кун санаб ўтказаркан, деб эшиштаман. Мен эса вақтни хат санаб ўтказаман. Сиздан яна роппа-роса юзта хат олсам, сиз келасиз,

Мурод ака. Демак, сизнинг хисобингиз бўйича юз кун колибди.

\* \* \*

**Мадиналарнинг ҳовлиси.** Холида опа иккита меҳмон аёллар билан ўтирибди. Ҳулкар уларга чойпой олиб келиб турибди.

**Меҳмон аёл:** – Холидахон, биз қулчиликка келувдик. Бу киши Муборак опам бўладилар. Жаласойда турадилар. Оиласари қишлоқнинг ўзига тўқ, олди оиласаридан. Ўғиллари Аъзамжон марказда дўкон очганлар. У-бу нарса олгани кирганда кизингиз Мадинайни кўриб, ишқи тушиб қолибди.

**Муборак опа:** – Айланай, Холидахон, кизингизни ўғлимга берсангиз бирордан кам бўлмайди, насиб бўлса.

**Холида опа:** – Майлику-я, аммо улар қўшнимизнинг ўғли Муроджон билан аҳду-паймон килиб қўйишган-да.

**Муборак опа:** – Қизи борнинг нози бор, дейдилар, бу гапларни бизга рад жавоби бериш учун ўйлаб топаётган бўлманг, ўргилай?

Қўшнининг деворидан бирорзина мўралаб турган Ҳалима опа кўринади.

**Холида опа:** – Ишонмасангиз, чақирай, ўзидан сўранг!

Ҳулкар кўлида бир даста хат ва суратларни олиб келиб, меҳмонларнинг олдига ташлайди.

**Ҳулкар:** – Мана, Мурод акамнинг опамга ёзган хатлари. (Тап-туп юриб чикиб кетади)

Дарвозадан ҳеч нарсадан бехабардек Ҳалима опа кириб келади.

**Ҳалима опа:** – Мадина, каердасан, қизим? (Меҳмонларга кўзи тушиб) Э, меҳмонингиз бормиди? Яхшимисизлар? Холида, бўлажак келиним нега бугун мендан хабар олмади.

Ичкаридан Мадина чикиб келади.

**Мадина:** – Ассалому алайкум, холажон, эндиғина сизларниңиң чиқаётұвдим, юринг, кетдик!

**Улар** бирга-бирга чиқиб кетишади. Совчиларнинг тарвузлари күлтиқларидан тушиб, индамайгина туриб, чиқиб кетишади.

\* \* \*

**Устахона.** Мухтор ака сандықсоз шогирдларига күрсатмалар беріб турибди. Устахона ёнига «Дамас» машинаси келиб тұхтайди. Үндән Бахтиёр ака тушиб, дүстининг ёнига келади.

**Бахтиёр ака:** – Ҳорманглар, усталар!

**Мухтор ака:** – Э, кел, дүстим! Ўтир!

**Бахтиёр ака** ўтиради. Мухтор ака бир пиёла чой узатади.

**Бахтиёр ака:** – Мен чой ичгани келганим йўк!

**Мухтор ака:** – Тинчликми, важохатинг бошқача?

**Бахтиёр ака:** – Мадинага совчи келганидан хабаринг борми?

**Мухтор ака:** – Шунгамиди? Қызы бор уйга совчи келади-да.

**Бахтиёр ака:** – И-е, нима деяпсан, жўра? Ниятларимиз нима бўлади?

**Мухтор ака:** – Ниятимиз ўша-ўша, дўстим, сен хавотир олма! Келган совчиларга нима дейишни Холиданинг ўзи билади. Ҳалиманг ҳам караб турмас?

**Бахтиёр ака** ўрнидан туриб, эшикка йўналади.

**Бахтиёр ака:** – Ўзим ҳам биламан нима қилишни! Бўлти, кейин гаплашармиз!

У чиқиб кетади.

\* \* \*

**Муродларнинг уйи.** Муроднинг ота-оналари ва бобоси дастурхон атрофида ўтиришибди.

**Бахтиёр ака:** – Ота, Мадинага кўп совчилар келаяпти. Ҳар хил гап-сўз кўпаймаслиги учун ўзимиз бирор белги қилиб қўйсакмикан?

**Ҳалима опа:** – Хўп десангиз, балки фотиха қилиб юбормиш?

**Шокир бобо:** – Бу ишда шошқалоқлик ярамайди. Аввал Муроджон армиядан келсин! Ҳали ўғлинг ўқийман дейди. Нима қиласизлар шошиб? Сизлардан ўтиб, шу жўранг Мадинани бирорга бериб юборармиди?

**Ҳалима опа:** – Бирорга бериш нияти йўқкуя, совчилар Мадинани безор қилиб юбораяпти-да.

**Шокир бобо:** – Мадина уззукун сенинг олдингдаку? Сен безор бўлгандирсан совчилардан?

**Ҳалима опа:** – Мен ҳам безор бўлдим, очиги.

**Шокир бобо:** – Хуллас, Муроджон армиядан келади, ундан кейин бу ҳакда гаплашамиз. Аллоҳу акбар!

Шокир бобо фотиха қилиб, ўрнидан туриб чикиб кетади.

\* \* \*

**Ҳарбий қисм.** Мурод Мадинадан келган хатни ўқияпти.

**Мадинанинг овози:** – Мурод ака, сиз юборган суратларингизни ва хатларингизни зўр курол қилиб ишлатаяпман. Хат ва суратларингиз мента келган ёки келмоқчи бўлаётган совчиларни қайтараяпти. Мурод ака, суюнчи беринг, жийдаларимиз гуллади. Жийдазоримиз ҳам сизни соғинди, Мурод ака!

**Жийдазор.** Мадина Муроднинг хатини ўқияпти.

**Муроднинг овози:**

*Кўзларинг тўрт бўлдими, жоним,*

*Қийнаб юбордими хижрон азоби?*

*Озгина кут, ширинзабоним,*

*Битай деди айрилиқ боби.*

*Эрта-индин ўйлга чиқарман,*

*Сўнг абадий бирга бўлармиз.*

*Қолмагайдир дилларда армон,*

*Тунларни тонгларга улармиз.*

\* \* \*

Муродларнинг ҳовлиси. Май. Баҳор. Ойдин тун.  
Муродларнинг дарвозаси олдига такси келиб тұхтайди.  
Мурод пулини бериб, таксини жүнатиб юборади.

Ухлаб ётган Мадина уйғониб кетади. Туриб,  
дахлизга чиқади ва бир пиёла сув ичади.

Бу вактда Мурод бир ўзларининг дарвозасига, бир  
Мадиналарнинг дарвозасига қарайди. Икки қадам  
Мадиналар томонга юради. Бўйлаб деворларидан  
қарайди.

Мадина хам шу вактда секин бориб яна ўрнига  
кириб ётади.

Мурод шу лаҳзада кайтиб ўз дарвозалари олдига  
келади ва девордан ошиб тушади. Ит хуради. Ширин  
уйкуда ётган Шокир бобо уйғониб кетади. Мурод  
девордан ошиб тушаётганида хураётган итлари уни  
таниб, думини ликкиллатиб, оёқларига суйкалади.  
Мурод ҳовлисини кўздан кечиради. Ҳар бир дараҳт,  
токларга соғинч билан разм солади. Шокир бобо томок  
кириб ичкаридан чиқиб келади.

Шокир бобо: – Ким у ҳовлида юрган?

Мурод: – Мен, ота, Муродман! Келдим!

Шокир бобо: – Э, Муроджон! Келдингми, болам?

Улар кучоклашиб кўришишади.

Шокир бобо: – Ҳой, Баҳтиёр, келин,  
чиқмайсизларми? Муроджон келди!

Баҳтиёр ака, кетидан Ҳалима опа чикиб келишади  
ва Муродни бағирларига босиб кўришишади. Баҳтиёр  
ака бориб, деворни муштлайди ва бақиради.

Баҳтиёр ака: – Ҳой, Мухтор, Холида,  
чиқмайсизларми? Күёвларинг келди!

Мухтор, Холида, Мадина, Ҳулкарлар кириб  
келишади. Аввал Мухтор ака, сўнг Холида опа, кейин  
Ҳулкар Мурод билан кўришади. Мурод энг охирида  
ийманиб турган Мадинага, Мадина эса Муродга  
тикилиб қолишади...

#### 4-қисм

**Муроднинг ҳовлиси.** Тонг маҳали. Кимдир кўй сўяяпти, кимдир жой ҳозирлайпти. Ким чой ташиган, кимдир нон опкелаяпти. Катталар меҳмонларни кутиб олишаяпти. Меҳмонлар Мурод билан қучоқлашиб кўришишаяпти.

**Рихсивой ака:** – Э-э-э, солдат, кеп қолдингми, укам? Қани, бир қучоқлашайлик-чи? (Қучоқлашишади.) Қалай, Ургутликларни уялтирмай хизматларни қилиб келдингми?

**Кимдир:** – Э, Бўлди-е, Рихсивой, бизам кўришайлик! Худди ўзинг хизматни қойил қилиб келгандек гапирасан-а?

**Рихсивой ака:** – Ҳа, нима, армияга бормаган деб тилимни қисмоқчимисан? Бўйинг кичкина деб армияга олишмаган бўлса мен айборманми?

Қолганлар ҳам кўришишади. Ҳамма жой-жойига ўтиради. Шокир бобо маракани бошқариб турибди. Мадина ҳам бошқалар қатори елиб-югуриб хизмат қилиб юрибди. Ҳар замон Муродга ўғринча караб кўяди. Мурод келганлар билан кўришаркан, Мадина томонга тез-тез караб кўяди.

\* \* \*

**Жийдазор.** Ўша жийдазор. Яна бир ойдин кеча. Булбуллар сайраб ётибди. Мурод билан Мадина кўл ушлашиб сайр қилиб юришибди. Мурод жийдаларни бирма-бир силаб кўяди.

**Мурод:** – Эҳ, қандай яхши-я ўзимизнинг жийдаларимиз!

Мадинанинг кўзларида ёш.

**Мурод:** – Сенга нима бўлди, Мадин, ийғлайсанми?

**Мадина:** – Мен жийдаларимизни соғиниб кетдим, Мурод ака!

Мурод: – Жинни бўлибсан, Мадина. Одам дараҳтларни ҳам соғинадими?

Мадина: – Уларнинг ҳар бири менга канчалар азизлигини билсангиз эди!

Мурод: – Яширмай қўя қол, жийдаларни эмас, мени соғингансан.

Мадина: – Йўқ, сизни нега соғинар эканман?

Мадина бир нечта шохчаларни синдириб олиб, жийда гулларини тўйиб-тўйиб ҳиддайти. У гулларни кўзларига суртади.

Мадина: – Ростдан, мен жийда гулларини соғинганман, Мурод ака.

Мурод: – Қулоқ сол, Мадина, сенга деб шеър ёздим.

*Кел, эй дилдор, чин ёринг келди,  
Дилда азалдан боринг келди.*

*Висолингга хуморинг келди,  
Хижронингда бедоринг келди.  
Соғиндим нур ёккан юзингни,  
Соғиндим икки юлдузингни.*

*Пешвоз чиқкин, кўрай ўзингни,  
Сенинг меҳринингга зоринг келди.  
Хижронларни унутгил, жоним,  
Қўлларимдан сен тутгил, жоним.*

*Гумонларни тўзғитгил, жоним,  
Ишқда содик сардоринг келди.  
Неча манзил, довон ошдим,  
Васлингни деб елдим, шошдим.*

*Ортиқ айрилиқка йўқ дошим,  
Фирокдан кўп безоринг келди.  
Аҳдга вафо килолдинг, эркам,  
Ракибларни қуволдинг, эркам.  
Неча ойлар кутолдинг, эркам,  
Сендан чин миннатдоринг келди,  
Узок кутган чин ёринг келди.*

Мадина: – Раҳмат. Бу менинг номимдан сизга ёзилган шеър бўлибди-ку, Мурод ака?

**Мурод:** – Бу шеър иккаламизники, Мадина.

**Мадина:** – Мана армиядан ҳам келдингиз, энди нима килмокчисиз, Мурод ака?

**Мурод:** – Энди шоир бўлишга қасд қилдим, Мадина. Олдингилари ҳавас экан, энди чиндан шоир бўлишга аҳд қилдим. Ҳали сенга кўрсатаман, тўртта калин дафтарни тўлдириб шеър ёзиб келганман. Тўртбеш кун қишлоқда тураман-у, Тошкентга кетаман. Жиддий тайёрланиб, бу йил албатта ўқишга кираман. Қарабсанки, тўртбеш йилда Мурод аканг катта шоир бўлиб турибди-да, Мадина.

**Мадина:** – Шоир бўлиб кетсангиз, мени унутиб кўймайсизми, Мурод ака?

**Мурод:** – Жиннимисан, мени ўзи сен шоир қилдинг-ку? Мана шу жийдазоринг шоир қилди-ку? Сизларни унутиб, сизлардан узокка кетиб бўлар эканми? Тошкентда юрсам ҳам, катта шоир бўлиб кетсам ҳам, билиб қўй, фақат сен учун шеърлар ёзаман. Нима ёзсан сен учун ёзилган бўлади.

**Мадина:** – Ошириб юбормаяпсизми, шоир ака?

**Мурод:** – Э, шеърлар нима экан, ҳали кўрасан, сенинг отингга кўшиклар ёзаман. Уларни энг номдор ҳофизлар куйлади, керак бўлса!

**Мадина:** – Исмим машҳур бўлиб кетар экан-да, бўлмаса?

**Мурод:** – Исминг шунга арзийди, Мадина, сен шунга арзийсан! Эҳ!

*Фаройибмиш муҳаббат дарди,  
Хастасини шоир этармиш.  
Гунгга тегса, озгина гарди  
Хушхон бўлиб куйлаб кетармиш.*

\* \* \*

**Муродларнинг ҳовлиси:** Ҳалима опа билан Мадина тикувчиликлари билан банд. Дарвозадан Мурод шодон кириб келади.

**Мурод:** – Ассалому алайкум. Аяжон, Мадина, мени табрикланлар, мен энди талабаман!

**Ҳалима опа** шошиб ўрнидан туради. Кўзи ёшланиб, боласини бағрига босади.

**Ҳалима опа** (ўғлини қучоклаб, ўпид): – Табриклайман, болам, ҳамма ниятларингга етгин!

**Мадина:** – Табриклайман, Мурод ака! Сиз албатта, ўқишига кирасиз демаганмидим?

**Мурод:** – Сенга раҳмат, Мурод аканг энди шоир бўлди деявер!

Ток қайчилаб юрган Шокир бобо ҳам буларни кўриб, уларга якин келади.

**Шокир бобо:** – Э, Муроджон кепти-ку?

**Ҳалима опа:** – Ота, Муроджонни табрикланг, у талаба бўлибди. Энди Тошкентда ўқийди болангиз!

**Шокир бобо** (Муродни бағрига босиб): – Баракалла, табриклайман, болам!

\* \* \*

Бекатда Бахтиёр aka мижоз кутиб ўтирибди. Рихсивой aka келиб, машинага ўтиради. Орқага ўтирилиб, хеч ким йўклигини кўради.

**Рихсивой aka:** – Машинанг тўлмаса ҳайдамайсанми, Бахтиёр?

**Бахтиёр aka:** – Етти кишининг пулинин тўласанг, кетаверамиз.

**Рихсивой aka** (энсаси қотиб): – Ўғлинг кирибдими ўқишига?

**Бахтиёр aka:** – Энди-и, келса биламиз-да.

**Рихсивой aka:** – Ўғлинг келди-ё.

**Бахтиёр aka:** – Қачон?

**Рихсивой aka:** – Уйингга кириб кетаётганини узокроқдан кўриб қолдим.

**Бахтиёр aka:** – Йўғ-е? Тушунда! Бошқасига ўтир!

**Рихсивой aka:** – И-е, шошма, нега ҳовликасан? (Машинадан тушиб, эшикни ёпади.) Айтмасам бўлар экан!

Бахтиёр aka машинани буриб, вағиллатиб хайдаб кетади.

Кела туриб, машинани сандиксозлик устахонаси ёнида тўхтатиб, устма-уст сигнал беради. Устахонадан Мухтор чиқиб келади.

Мухтор aka: – Ҳа, намунча, тинчликми?

Мухтор aka: – Бўл, тез, машинага чиқ, күёвинг кепти Тошкентдан!

Мухтор aka: – И-е, шунақами? (Машинага ўтиради)

Бахтиёр aka машинани елдириб кетади.

\* \* \*

Кўча. Рихсивой аканинг хотини Рухсатой келаётib, дарвозаларидан чиқсан Холида опа ва Ҳулкарларга кўзи тушади.

Рухсатой: – Ассалому алайкум, Холидаон, кўриб туриб кўрмасликка олманг-да, яхшимисиз?

Холида опа: – Нега унака дейсиз? Ҳаёл билан бўлиб, эътибор килмапман, яхшимисиз? (Кўришишади.)

Ҳулкар: – Ассалому алайкум, хола.

Рухсатой (Ҳулкар билан кўришиб): – Ҳулкарой ҳам като қиз бўп қоптику-а? Опасини қачон узатасиз?

Холида опа: – Насиб килган куни, холаси. (Юра туриб) Майли, бўлмаса. Муроджон келган экан.

Улар Муродникига кириб кетишади.

Рухсатой аввал икки-уч қадам юради, аммо қизикиб, уларнинг ортидан Муродларнинг дарвозасидан ичкарига мўралайди. (Унинг кўзи билан икки кўшнининг сухбати кўрсатилади.)

Холида опа: – Ҳа, нимага йиғлаяпсиз? И-е, шунгаям йиғладими одам?

Рухсатой бу сўзни эшитиб, «Ҳм-м» деб кўйиб, шиппиллаб жўнаб колади.

\* \* \*

## Ҳовли.

Холида опа: – Ҳалимахон, Мурожон ўқишга кирибди, хурсанд бўлмайсизми? Кўз ёшингиз нимаси?

Ҳалима опа: – Хурсандчилигимдан-да, дугонажон.

Холида опа: – Табриклайман, дугонажон!

Ҳалима опа ва Холида опалар қучоқлашишади.

Мурод салом бериб келади, Холида опа уни ҳам табриклайди.

Машина тўхтагани эшитилади.

Олдин-кейин Бахтиёр aka ва Мухтор акалар кириб келишади.

Улар ҳам Муродни бағрларига босиб, табриклашади.

\* \* \*

Рихсивой аканинг уйи. Рихсивой aka чарчаб кўчадан кириб келади. Рухсатой унинг қўлидан нарсаларни олади. Рихсивой aka сўрига ўтиради. Рухсатой дарров «Информбюро»ликни бошлайди

Рухсатой: – Эшитдингизми, Мурод ўқишга киролмапти.

Рихсивой aka: – И-е, шунака бўлибдими? Сен кимдан эшитдинг?

Рухсатой: – Ўзим кўрдим. Муроднинг аяси изиллаб йифлаб ётган экан. Холидахон чикиб овутиб ётуди.

Рихсивой aka (тараддусланиб): – Ундей бўлса, бориб бир кўнглини сўраб қўяй!

Рухсатой: – Ўзи шу бўлар-бўлмас шеърларни ёзисб юрган ўғилларининг ўқишга киришига қаттиқ ишонган эдилар-да. Тўрт катор шеър ёзганнинг ҳаммаси шоир бўлиб кетаверадими? Унақалар Тошкентда канча?

Рихсивой aka: – Бўлди, ҳадеб минғирлайверма!

Рихсивой aka ҳовлидан чиқиб кетади.

\* \* \*

Муродларнинг ҳовлиси. Ҳаммалари дастурхон атрофида ўтиришибди. Рихсивой ака кириб келади.

Рихсивой ака: – Ассалому алайкум, яхши ўтирибсизларми?

Бахтиёр ака: – Келинг, Рихсивой!

Рихсивой ака келиб, дастурхон атрофига ўтиради.  
Шокир бобо дуо қилади

Рихсивой ака: – Хафа бўлмай ўтирибсизларми,  
Бахтиёр?

Бахтиёр ака (хайрон бўлиб): – Нега хафа бўламиш?

Рихсивой ака: – Мурод ўқишга киролмати-ку?  
Бу йил бўлмаса, келаси йил кирап, йигит киши бўлса.

Мухтор ака: – Бунака гапни қаердан топдинг,  
Муроджон ўқишга кириб келди-ку? Ундан кўра  
табрикли!

Рихсивой ака: – И-е, шунака бўптими? Салгина  
англашилмовчилик ўтибди-да, узр! Табриклайман!

Бахтиёр ака: – Раҳмат, раҳмат!

Шокир бобо: – Худойим ҳаммани ниятига  
етказсин!

Дастурхонга ош тортилади.

## 5-қисм

**Автобус бекати.** Бекатда Мадина Муродни  
ўқишга кузатаяпти.

Мадина: – Тошкентда чиройли қизлар кўп бўлади,  
дейишади, Мурод ака.

Мурод: – Кўп. Аммо сендан чиройлиси йўқ. Неча  
марта айтай бу гапни?

Мадина: – Минг марта. Миллион марта. Токи  
бегона қизларга караганингизда кўзингизнинг олдида  
турай.

Мурод: – Шундоғам кўзимдан нари кетмайсан,  
жиннивой. Мен уларга қайрилиб ҳам қарамайман,  
Мадина.

**Мадина:** — Тошкентда бир хил қизлар йигитларни хийла билан илинтириб олишармиш, Мурод ака? Шу гаплар ростмикан?

**Мурод:** — Бўлса бордир. Аммо мени илинтириб бўлишган. Бошқаси тириклай илинтиrolмайди.

Автобус харакатлана бошлайди. Сигнал беради.

**Мурод:** — Бўпти, Мадина, яхши қол!

Мурод жомадонини олиб, автобусга чиқишга шайланади.

**Мадина:** — Биринчи курсни битириб келаман деб юрманг, орада келиб кетинг!

**Мурод:** — Бир йил сени кўрмасам мен ҳам чидолмайман, Мадина! Хайр, яхши қол!

**Мадина:** — Яхши боринг, Мурод ака!

Мурод автобусга чиқади. Автобус кўзғолади. Автобус кўздан йўқолиб кетгунча Мадина унинг ортидан қараб колади.

\* \* \*

**ТошДУнинг филология факультети.**  
Аудиторияда дарс бўлаяпти.

**Професор Азим Тўраевич:** — Мана, ҳурматли талабалар, биз ҳазрат Алишер Навоийнинг «Хамса»га киритилган беш достонини ҳам батафсил ўрганиб чиқдик. Бу достонлар ҳалқимизнинг ўлмас меросига айланиб улгурган. Мана шу достонлар асосида семинар машғулотлари ўтамиз. Муроджон, кимлар қайси мавзууда маъruzага тайёрланишини ёзиб қўйганман. Рўйхатни олиб, танаффусда гурухингиздагиларни мавзулар билан таништиринг!

**Мурод:** — Хўп бўлади, домла.

**Професор:** — Марҳамат, танаффусга чиқишиларингиз мумкин.

Ҳамма ўрнидан туриб, танаффусга чиқади.

\* \* \*

ТошДУ ҳовлиси. Талабалар гурух-гурух бўлиб, ўтиб-қайтиб туришибди. Мурод дўстлари билан сухбатлашаяпти. Муродни профессор чакириб колади.

**Профессор:** — Муроджон!

Мурод домлага карайди, дўстларидан ажраб чикади.

**Мурод:** — Лаббай, домла?

**Профессор:** — Муроджон, мен шеърларингиз билан танишиб чиқдим. (Домла юра бошлайди, Мурод унга эргашади.) Яхши. Яна бир бафуржа фикрлашамиз.

**Мурод:** — Раҳмат, домла!

Домла йўлига кетаверади.

Мурод домланинг эътиборидан хурсанд бўлиб колади.

\* \* \*

**Кўча.** Муродларнинг уйи. Қиши. Ташқарида ҳамма ёқ кор. Муродларнинг уйида Ҳалима опа, Мадина, Ҳулкарлар янги йил дастурхони учун пишириклар тайёрлаш билан овора. Мурод кириб келади. Ҳаммалари кўришишади.

**Мурод:** — Вуй, Ургутнинг сувуклигини. Тошкент бунчалик совук эмас.

**Ҳалима опа:** — Яхши келдингми, болам? Намунча озиб кетибсан? Овқат еяпсанми ўзи?

**Мурод:** — Бир грамм ҳам озганим йўқ, аяжон.

**Мадина:** — Ростдан озгансиз. Балки сизни тўрт ой кўрмаганимиз учун шундай туюлаётгандир?

**Ҳалима опа:** — Аммо оппок бўлиб, чиройли бўлиб кетибсан. Мадина, тўғри айтаяпманми?

**Мадина:** — Ўзларига эшиттириб айтиб бекор айтдингиз, ўғлингиз энди «Чиройли бўлиб кетибман», деб бизларни писанд килмай қўядилар.

**Ҳалима опа:** — Барибир сендай чиройли қизни Тошкентдан тополмайди, Мадина, хавотир олма!